Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 30 октябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 86 (7179)

Da'vat

Ўз ишини топа олган одам саодатлидир; у бошқа саодатни ахтармай қўя қолсин. Унинг қиладиган иши ва яшашдан мақсади бор.

Т.КАРЛЕЙЛ

Ibrat

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 156-мактаб эҳтиёжи учун шу ҳудудда яшовчи Маҳмуд Мадаминов ва Мирзоаҳмад Ҳусановлар ўз шахсий жамғармаларидан 200 минг сўмдан зиёд пул ажратишди.

МИЛЛИЙ ДАСТУР ЧЕЧАКЛАРИ



Сиз суратда кўриб турган бу каби кўркам ва замонавий биноларни бугунги кунда мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида учратиш мумкин. Қувончлиси, бундай ҳашаматли ва серфайз бинолар мамлакатимиз келажаги ҳисобланмиш болаларга аталган. Бинонинг ёш соҳибларига қараб ҳам биласизки, бу ё мактаб, ёки академик лицей, ёхуд касб-ҳунар коллежидир. Албатта, ёш авлоднинг баркамол таълим-тарбия олмоғи учун мана шундай имкониятлар яратиб бераётган мамлакатнинг келажаги порлоқ бўлиши, шубҳасиздир.

Андижон вилояти Жалолқудуқ туманида ҳам ўқув йили бошида 300 ўринли ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи (суратда) фойдаланишга топширилди. Коллеж биносини қуриб битказишда вилоятнинг Пахтаобод, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Марҳамат туманларидан таклиф қилинган энг моҳир, қўли гул қурувчилар жонбозлик кўрсатишди. Эндиликда барча шарт-шароитларга эга бўлган ушбу масканда таҳсил олаётган, касб-ҳунар сирларини ўрганаётган ёшлар ўзларига кўрсатилаётган юксак эътиборга тиришқоқликлари ва изланувчанликлари билан жавоб беришга ҳаракат қилишмоқда.

Ҳабибулло ОРЗИҚУЛОВ олган сурат.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 октябрь куни Оқсаройда Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Киоко Накаямани унинг илтимосига биноан қабул қилди.

• Избоскан туманидаги Қўғай қишлоғида истиқомат қилувчи Ўзбекистон халқ устаси Йўлбарс Ўтагановга ҳамқишлоқлари, ёру биродарлари, шогирдлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида мамлакатимиз Президентининг мактуби ва эсдалик совғалари топширилди.

• Ҳиндистоннинг йирик матбаа компанияларидан бири «ИВС Publishieps Distributovs Ltd» яқинда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ҳинд тилида нашр этди.

• Марказий сайлов комиссияси оммавий-ахборот воситаларининг сайловни ёритиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштирувчи Келишув кенгаши мажлиси бўлди.

• БМТ Бош котиби Кофи Аннан Чеченистонга ташкилотнинг махсус миссиясини жўнатишни ва бу миссия Чеченистондаги вазиятни ўрганиш ҳамда ушбу ўлкага халқаро ҳамжамият томонидан етказиб берилаётган инсонпарварлик ёрдами тақсимотини назорат қилиш билан шуғулланишини айтди.

• Греция Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси якунланди.

• Венгрия мамлакати махсус хизмати етти йилдан буён қидирувда бўлган, қўлга олингунча ўттизга яқин банкка ўғриликка тушган Аттил Амбуршни ниҳоят ҳибсга олишга муваффақ бўлди.

• Хитой мамлакати сайёҳлик бошқармаси вакилининг маълум қилишича, Хитойга жорий йилнинг тўққиз ойида 53,2 миллион хорижий сайёҳ ташриф буюрди ва бу соҳадан келаётган даромад эса 10,3 миллиард АҚШ долларига етди.

Энг яхши тест муаллифлари

2-,3-бетлар

Fikr

ОВОЗИНГИЗ — ЭРТАНГИ ҲАЁТИНГИЗ

Айни кунларда кенг жамоатчилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига сайловлар — демократик жараёнларни такомиллаштиришнинг муҳим омили эканлигини эътироф этилмоқда. Ҳар бир сайловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, сайлов округлари ҳамда сайлов участкаларида амалга оширилаётганган ишларни кўриб, бу йилги сайловларнинг бурунги сайловлардан кескин фарқланишини ҳозирданоқ ҳис қилиб турибдилар, десак янглишмаймиз. Улар айни пайтда ўзларига берилган имкониятдан ва ҳуқуқлардан фойдаланиб, энг лойиқ номзодларни танлаш устида бош қотираётирлар. «Овозимиз — эртанги ҳаётимиз», «Бўлажак депутат кенг миқёсда фикрлаши лозим», «Бу йил сайлов комиссиялари масъулияти янада улканроқ бўлади», «Қонунийликни таъминлаш устувор вазифа бўлмоғи зарур» каби фикрларни улардан эшитишимизнинг ўзиёқ сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги ошаётганлигидан далолатдир.

Мана, уларнинг фикрларига қулоқ тутайлиг-а:

Нафиса РАҲМАТУЛЛАЕВА, Низомий номидаги ТДПУ ўзбек тили ва адабиёти факультети II курс талабаси:

—Олий Мажлис депутатлигига ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтадиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Бу сайловларда биринчи бор қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлаётганлигим боис қалбимда ҳаяжон йўқ эмас, албатта. Бу ваколатларга кўрсатилган номзодлар ўз-ўзидан қўйилмайди. Юртнинг келажаги маълум маънода сайланган номзодлар билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун мен юрт дардини ўзимнинг дардим, дейдиган номзодларга овоз беришни ният қилиб турибман.

Исоқжон ИСМОИЛОВ, Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкатлар хўжалиги раиси:

—Ўтган кунлар билан бугунги жараёнларни муқояса қилсанг, талай фарқларни англайсан, киши. Кези келганда, турғунлик йилларида халқ ноибларини аҳволини эсласанг, нохуш манзаралар кўз олдингда намоён бўлади.

Очиғи, ўша пайтларда бировнинг ноғорасига ўйновчилар кўпайиб кетган эди. Энди бизга ундайлар керакмас. Ҳар нечук водопроводнинг жўмрагини созловчилар топилади. Шундай экан, депутат аллақайси кўчага тош ётқизишни эмас, балки умумхалқ манфаатларини кўзлаб фикрловчи, муаммоларни умумдавлат даражасига олиб чиқувчи инсон бўлмоғи зарур.

(Давоми 2-бетда)

Yangilik

МУШТАРАК МАҚСАДЛИ ТАҚДИМОТЛАР

Таълим тизимини такомиллаштириб, унинг якуний натижасида етук мутахассис кадрларни яратиш мақсадида амалга оширилаётган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» доирасида сўнгги пайтда кўпгина ишлар бажарилмоқда. Амалий тадбирлардан иборат бўлган ушбу янгиликлар ислоҳотларнинг бевосита ижро босқичига ўтилаётганлигидан дарак беради. Республика таълим марказида бўлиб ўтган «Педагогик технологиялар маркази» ҳамда Халқ таълими вазирлигининг «Таълим тараққиёти» ахборотномаси махсус сонларининг тақдимот маросимлари ҳам шундай янгиликлар сирасига киради.

Аслида бу иккала воқелик бирибирини тўлдирадиган ва бирисиз иккинчисини тасаввур этиб бўлмайдиган муҳим таълимий жараён ва меъёрий ҳужжатдир. Боиси «Таълим тараққиёти» ахборотномасининг 7 та махсус сонида ўрта умумтаълим ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари ўқитувчи маҳорати ва янги педагогик технология асосида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади, бажарилади.

— Янги марказда ишни асосан уч йўналишда ташкил этиш керак, — деди вазир Жўра Йўлдошев. — Биринчиси, тайёр педагогик технологиялар бўйича жойлардаги мутахассислардан тренерлар тайёрлаш ва улардан тажрибаларни оммалаштиришда фойдаланиш. Иккинчиси, шу ернинг ўзида педагогга амалиёт билан боғлиқ турли маслаҳатлар беришни мунтазам йўлга қўйиш. Учинчиси, нашр ишларини ташкил этиб, илғор, замонавий педагогик янгиликларни зудлик билан қабул қилиш, узатиш.

Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари хусусида гап кетганда, кўпчилик сўзга чиққанлар ушбу меъёрий ҳужжатларнинг яратилиш жараёни, айниқса, унда олимлар, мутахассислар ҳамда амалиётчи ўқитувчилар учлигининг таъмин этилганлигини, барча ютуқларнинг гарови бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида қайд этишди. Муҳими нимани, кимга, қачон, қандай қилиб ўқитиш керак, деган бир қатор саволларга ойдинлик киритилганлиги ўқитувчилар ишини самарали ташкил этишга, ўқувчи фаолиятини аниқ мақсадга йўналтиришга хизмат қиладиган бўлди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев қатнашди.

МУХБИРИМИЗ

Ўқитувчи ёш дафтарига

ТАМАКИГА ҚАРШИ КУРАШ

БМТда тамаки саноати ривожини ушлаб туриш юзасидан биринчи халқаро битимни тайёрлаш бўйича ишлар бошланди. Ушбу битим 2003 йилда кучга кириши кўзда тутилмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг таъкидлашларича, агар кашандаликка қарши жиддий курашилмаса, 2030 йилга бориб, кишилар ўлимининг 70 фоизига тамаки сабаб бўлади.

ПАРИЖ БИРИНЧИ

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бугунги кунда дунёнинг йирик шаҳарлари ўртасида аҳолиси энг зич жойлашган шаҳар Париждир. Ушбу шаҳри азимнинг 1 квадрат километрида 32 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Париждан кейинги ўринни 1 квадрат километрида 16 минг аҳолиси билан Токио шаҳри ишғол этиб турибди.

БАРДОШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Одамзот бардоши ҳавас қиладиган даражада. Жумладан, юқори иссиқликка дош бера билишда ҳам. Тажрибаларнинг далолат беришича, инсон 71 даража иссиқда бир соат, 83 даражада – 49 дақиқа, 93 даражада - 33 дақиқа ва 104 даража иссиқда 26,5 дақиқа чидаб тура олар экан.

ИНТЕРНЕТДА МУСИҚА

IBM корпорацияси мутахассислари ахборот тизими ҳисобланмиш Интернетга мусиқа киритиш ва уни тарқатиш устидаги изланишларини ниҳоясига етказди. Эндиликда Интернет тармоғи орқали нафақат дунёнинг жозибадор куй-қўшиқларини мазза қилиб тинглаш, балки мусиқа асбобларида бажариб бўлмайдиган функцияларни ҳам амалга ошириш имконияти яратилди.

Буюк келажакдан дарак

4-бет

Muallif fikri

ЭЗГУ МАҚСАДГА ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ишлаб чиқилиши таълим тизимида инқилобий ўзгаришларга омил бўлди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг • "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида" 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 1998-1999-ўқув йилида 24 та таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари яратилган эди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурининг муҳим бўлаги "Иқтисодий билимлар асослари", "География", "Кимё", "Биология" фанлари жо бўлган «Таълим тараққиёти» ахборотномасининг навбатдаги 3-махсус сони ҳам "Маърифат—Мададкор" нашриётида тайёрланиб, "Шарқ" нашриёт-матбаа концернида кўп нусхада чоп этилди.

Айниқса, тарихан қисқа вақтда ўрта мактаб дастурларидан муҳим ўрин олган замонавий "Иқтисодий билимлар асослари" фани давлат таълим стандартлари ва унга шарҳлар, 8—9-синфларга мўлжалланган 68 соатлик ўқув дастурларининг эълон қилиниши чинакамига педагогик илмда янгилик бўлди, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Чунки, бошқа фанлардан фарқли равишда "Иқтисодий билимлар асослари " мустақиллигимиз туфайли, янги бозор муносабатларига ўтишимиз шарофати билан дунёга келган таълим тизимидаги энг ёш фандир. Бу — биринчидан. Иккинчидан, иқтисодий билимларни мактаббоп қилиб, 13-15 ёшли болага мослаб, давлат стандарти, дастурларини яратиш, республикада илк бора амалга оширилди. Бунда иқтисодий таълим соҳасида мактабларда қўлланиб келинган тажрибалар қўл келди. Агар тажриба-синовлар ўтказилган мактаблар рўйхатига эътибор берган бўлсангиз, айнан иқтисодий билим асослари Республика миқёсида иккита мактабда — Тошкентдаги 138-ва 166-мактабларда синовдан ўтказилди. Иқтисод фанлари доктори, профессор Нутфилла Хўжаев илмий–услубий маслаҳатчилиги остида муаллифлар Э.Содиқов, З.Валиева, Ё. Муҳибов, Б.Ҳайдаров, Б.Каримовларнинг ўқув дастурлари журналнинг 3-сонида амалий аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда)

ҒОЛИБ ЎЙИНДАН ОЛДИН АНИҚЛАНАДИ (МИ)?

ёки "Қувноқ стартлар"дан келиб чиққан сабоқлар

Кейинги пайтларда телевидение орқали намойиш этилаётган "Қувноқ стартлар" ўқувчилар мусобақасини кузатиб бораётган телетомошабинлар "қизиқ" вазиятларга ҳам гувоҳ бўлишаётгани сир эмас. Айниқса, бу йилги республика босқичи Қашқадарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари ўртасидаги финал учрашувида "ажойиб томоша" бўлди. Қўштирноқ ичидаги жумлаларга изоҳ топиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Зайниддин Икромов билан суҳбатда бўлдик.

— Зайниддин ака, газетамиз муштарийлари "Қувноқ стартлар" телемусобақасининг ҳам доимий мухлислари ҳисобланишади. Уларга ушбу мусобақанинг ҳозирги аҳволи ҳақида маълумот берсангиз?

— "Қувноқ стартлар" мусобақаси ҳақида холис сўз унинг иштирокчилари, томошабинлари томонидан айтиб бўлинди. Мана, охирги финал учрашувини олайлик. Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикалари ўртасида ўтказилган ўйин қандай якунлангани барчага маълум. Ҳисобда олдинда бораётган қорақалпоғистонлик ўқувчилар ўйиндаги ноҳақликлар туфайли мусобақани ташлаб кетишди. Мусобақа ташкилотчилари эса, ҳар икки гуруҳ бу йилги "Қувноқ стартлар" телемусобақасида республика ғолиблари бўлганликларини эълон қилишди. Барча беллашувларга, жамоаларга ва мураббийларга ибрат бўлиши керак бўлган финал учрашуви ана шундай — ҳақиқий ғолибсиз хотима топди.

(Давоми 4-бетда)

Qutlug' ostona

БЎЛАЖАК БОЖХОНАЧИЛАР ҚАСАМЁДИ

Давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг ажралмас қисми бўлган божхона сиёсатида ҳам кейинги йилларда туб ўзгаришлар ясалди. Юртбошимиз томонидан соҳа ривожига берилаётган катта эътибор натижасида божхона сиёсатининг асосий тамойиллари белгиланди, божхона ишининг қонуний, ташкилий ва моддий асослари яратилди. Божхона идоралари ўз касбини пухта билувчи, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол кадрлар билан тўлдирилди. Ватанимиз чегараларини мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини ошириш борасидаги тадбирлар фаол давом эттирилмоқда. Божхона тизими республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари сингари халқимиз фаровонлиги, осойишталиги, давлатимиз иқтисоди, дахлсизлигининг ишончли ва фаол ҳимоячисига айланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда божхона иши дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилмоқда. Божхона хизматининг нуфузи, обрў-эътибори кундан-кунга ортиб бормоқда.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежи ҳам юртбошимизнинг шахсий ташаббуси билан ташкил топган мамлакатимиздаги биринчи касбий ўқув муассасаси ҳисобланади.

Мана икки йилдирки, бу ерда юқори малакали, халқига, ўз касб бурчига содиқ, юксак ахлоқли божхона хизмати ходимлари тайёрланади.

Яқинда ушбу коллежда анъанавий тус олган биринчи курс талабаларининг божхоначи ва ҳарбий қасамёдларини тантанали қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси раиси, генерал-майор Ўткир Комилов, жумладан шундай деди:

— Божхоначиларимиз томонидан биргина жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз хазинасига 30 миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ туширилди, 870 миллион сўмлик озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган товарлар халқ дастурхонига қайтарилди, жиноятчилардан 1,5 тоннадан ортиқроқ гиёҳвандлик моддалари, 3 миллион сўмдан зиёдроқ бўлган тарихий, маданий ёдгорликлар мусодара қилинди, 523 минг АҚШ долларининг Россия ҳудудига ноқонуний равишда олиб кетилиши тўхататилди. Ватанимиз, халқимиз осойишталигига рахна солмоқчи бўлган унсурлардан қўлпаб ўқотар қуроллар, портловчи моддалар, зарарли адабиётлар республикамиз чегараларида ҳушёр божхоначилар томонидан олиб қўйилди...

Ушбу коллеж бошлиғи, божхона хизмати полковниги Ҳожиакбар Тожибоевнинг махсус командасидан сўнг, курсантлар тантанали равишда қасамёд қабул қилишга киришдилар. Унда улар ўз халқига, юртига, Президентига садоқатли бўлишга ҳамда Конституциямиз ва қонунларимизга қатъий риоя этишга қасамёд қилдилар.

Маросимда сўзга чиққан фахрийлар, ота-оналар ва меҳмонлар талабаларнинг касб маҳоратини пухта эгаллаб, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол кадрлар бўлиб етишишида муваффақиятлар тилади.

Шу куни коллежда республика Мудофаа вазирлигининг ҳарбий оркестри ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги куйларни ижро этиб, севимли санъаткорларимиз, бадиий сўз усталари эса ўзларининг чиқишлари билан барчани хушнуд этдилар.

Нурлан УСМОНОВ, «Маърифат» мухбири

КУН ТАРТИБИДА ДАРСЛИКЛАР

Hay'at majlisida

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим олувчиларнинг мустақил билим олишига алоҳида ўрин берилган. Шу сабабли ишлаб чиқилаётган таълим стандартларида ўқув машғулотларининг деярли 30 фоизи мустақил билим олишга қаратилган. Ҳақиқатан ҳам машаққатли меҳнат эвазига эгалланган билим шахс учун энг қадрли ва ёдда сақланувчан бўлади.

28 октябрда бўлиб ўтган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати мажлисида «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳукумат Қарорининг ижроси муҳокама этилди. Ҳайъат мажлисида республика олий таълим муассасалари раҳбарлари ўзларининг жамоалари яратган дарсликлар ва адабиётлар кўргазмалари билан иштирок этдилар. Вазир ўринбосари, профессор Қ.Аллаевнинг миллий дастур қабул қилинган пайтдан ҳозиргача амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлилига бағишланган маърузаси муҳокама қилинди.

Республика марказий нашриётлари, вилоятлардаги ва ўқув юртлардаги нашриёт-матбаа корхоналари воситасида фақат олий таълимнинг бакалавр йўналишлари учун 600 номдаги 1,98 млн. нусха дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр қилинди, бу эса 1999 йил учун кўзда тутилган 210 тадан деярли 3 баробар кўп.

1999-2004 йилларга мўлжалланган истиқбол режага мувофиқ олий таълим учун 3388 ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун 2097 номда фан предметларида фанлар бўйича маърузалар тўпламларини қисқа ададларда кўпайтириб, ўқув жараёнида фойдаланиш тавсия этилди. Бунинг учун замонавий нусха кўчириш, кўпайтириш дастгоҳлари ва компьютерлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Худди шу усул билан яратилган маърузалар матнларини ТошДУ, ТАҚИ, ТМИ, ТТЕСИ жамоалари намойиш қилдилар.

Республика таълим тизими фидойилари ёш авлод учун билим манбаи бўлган дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратишдек долзарб ишга астойдил киришганликлари ҳайъат мажлисидаги қизғин мунозаралар, амалий таклиф, қабул қилинган режалардан маълум бўлди.

Шунингдек, ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси давлат стипендияларига ўтказилган танлов натижалари ва уни такомиллаштириш вазифалари, ижтимоий—гуманитар таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришда ОЎЮларида амалга оширилаётган ишлар таҳлили, иқтидорли талабалар билан ишлашнинг аҳволи ҳақидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.

Н.УСМОНОВ

Tadbir

КУТУБХОНА–МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

Куни кеча Фанлар академияси президиуми биносининг мажлислар залида Ўзбекистон Фанлар академияси ва Ёш олимлар миллий жамияти ҳамкорлигида «Кутубхона — ёшларни маънавий камол топтириш ўчоғи» мавзусида информацион илмий-амалий семинар ўтказилди. Пойтахтда фаолият олиб бораётган етакчи кутубхоналарнинг раҳбарлари, аспирантлар, тадқиқотчилар ва ёш олимлар иштирок этган ушбу тадбирда жамият раиси, тарих фанлари доктори Элёр Каримов бугунги кунда кутубхоналар фаолиятида учраб турган камчиликлар хусусида тўхталди.

— Юртимиз қадимда буюк алломаларга бой бўлган, - деди ТошДУ марказий кутубхонаси директори Рухабзо Асқарова. - Агар биз етарли даражада қулайлик ярата олсак, бизда ҳам жаҳоннинг энг кучли олимлари етишиб чиқиши, табиий. Чунки биз буюк алломаларнинг авлодларимиз.

Жамият раҳбарлари ёш олимларга имконият яратиш учун ўзларининг олдиларига янги мақсад ва вазифалар қўйдилар.

Йиғилишда иштирок этган аспирант, тадқиқотчи ва ёш олимлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Нодирбек ЮСУПОВ,
ТошДУ талабаси

(Боши 1-бетда)

Муаллифлар дастурнинг тушунтириш хатида иқтисодий таълим тизимини ислоҳ қилиш нима учун зарур бўлиб қолди? - деган муаммони батафсил асослашга ҳаракат қилганлар.

Буни улар ҳозирда вужудга келган иқтисодий шароит янгича маънавий тафаккурга эга бўлган, дунёга янгича кўз билан қарайдиган, янгича фикрлайдиган авлоднинг иштирокини тарбиялашдек улуғвор вазифаларнинг асосий қисмини айни иқтисодий маданиятга эга ёшлар ҳал этади, деб изоҳлайдилар. Дарҳақиқат, иқтисодий таълим мамлакатимиз умумтаълим мактаблари учун янгилик бўлиб, бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ва ташкилий тадбирлар кўлами ўзининг ўта долзарблиги, масъулиятлилиги билан ажралиб туради. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режасида иқтисодий билим асослари ўқув фани таълим соҳасининг ижтимоий билимлар бўлимига киритилиб, 8-9-синфларда ҳафтасига бир соатдан ажратилган. Лекин "Иқтисодий билимлар асослари" ўқув фани мактабда ўқитиладиган барча фанлар қатори иқтисодий билимлар билан умумий комплексда интеграциялашга таянади. Иқтисодий тафаккур жўғрофия, тарих, информатика, математика ва бошқа умумтаълим фанлари асосида ҳам шаклланади. Айнан математика, тарих ва бошқа ижтимоий фанлар жўғрофия, меҳнат ва бошқа технологик фанлар ичида қандай иқтисодий тушунчаларни ёритишга ҳам ўқув дастурида ўрин берилган. "Иқтисодий билимлар асослари" ўқув фанининг мактаб ўқув режасидаги ўрнининг асосланиши тавсия этилаётган дастур мазмунини янада кенгайтирган. Бошқа умумтаълим фанлари қаторида иқтисодий саводлиликни давлат меъёри сифатида қабул қилинишига имконият берадиган шахснинг реал имкониятларини, ижтимоий маданий муҳит аҳволини ҳисобга оладиган иқтисодий тизим ишлаб чиқариш, айрибошлаш, неъматлар ва хизматларни тақсимлаш ва истеъмол қилишни ҳисобга олувчи, асосий хусусиятларини ажратиб беруvчи фан бўлиб, иқтисодий билимлар асослари хизмат қилади.

ЭЗГУ МАҚСАДГА ЧОРЛАЙДИ

Бугунги кунда бошланғич ва ўрта синфларда иқтисодий таълим ўқитилаётган мактаблар ҳам бор. Баъзи муаллимлар юқори синфларда такрорлаш бўлиб қолмаяптимикан, — деган саволлар ҳам беришаяпти. Бу саволга ҳам дастурда аниқ жавоб берилган. Унда ёзилишича, агар 8-синфгача иқтисодий таълим алоҳида фан сифатида ўқитилмаган бўлса, барча тушунчалар янгидан киритилади ва стандарт талаблар даражасигача ўзлаштирилишига имконият яратилади. Қуйи синфларда иқтисодий билимлар билан таниш ўқувчилар эса, олдинги ўтилган кўпгина иқтисодий тушунчаларни такрорлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш назарда тутилади ва шу воситасида ўқувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида махсус иқтисодий билимлар олишларига замин тайёрланади. Олдинги синфларда киритилмаган айрим мураккаброқ тушунчалар эса, ушбу синфларда киритилади.

Ўқув дастурида 8-синфдаги иқтисодий таълим иқтисодиётнинг назарий асослари, 9-синфда асосий диққат Бизнес - тадбиркорлик асослари ва макроиқтисодиёт асослари эканлиги алоҳида қайд этилган. Ҳар иккала синфда иқтисодий таълим мазмунининг мажбурий минимуми бирма-бир санаб чиқилган. Барча мазмуний йўналишлар орқали "Иқтисодий билимлар асослари" фанининг тарбиявий вазифалари: хўжайинлик, тадбиркорлик, фаолият-оқибатлари ва натижалари, жавобгарлик, ўқувчиларни мустақил қарорлар қабул қилишга тайёргарлик туйғуларини тарбиялаш кўзда тутилади.

"Таълим Тараққиёти" ахборотномасининг махсус сонларида барча ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари чоп этилмоқда. Албатта, биз унинг навбатдаги сонларини ҳам интиқлик билан кутмоқдамиз. Чунки, бу шунчаки нашрлар эмас. Уларда олимлар, илғор ўқитувчилар, халқ таълими ташкилотчиларининг бир неча йиллик заҳматли меҳнатлари жамланмоқда. Қолаверса, янги ўзбек давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ўзбек миллий педагогикасида мисли кўрилмаган ҳодиса, деб ҳисоблайман. Тарихан қисқа вақтда мустақиллигимизга хос жаҳон андозаларидаги бундай дастурларни яратиш шубҳасиз таълим тизимимиз ютуғидир. Эндиги гап уни тез орада амалга оширишда. Зеро, Президентимиз айтганларидек, "Ўзини шу мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарвари деб биладиган ҳар бир киши бу Дастурни амалга оширишга ўз меҳнатини, ўз улушини қўшади, деб ишонаман". Мен оддий муаллим сифатида "Иқтисодий билимлар асослари" устида ўз мулоҳазаларимни билдирдим. Ҳақиқатдан бугунги бозор иқтисодиёти шароитида айнан шу фан болаларда ва ота-оналарда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чоп этилган дастурни янги ўқув йилларида босқичма-босқич амалга ошириш ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, жуда осон кечади. Бунга шароит ҳам, янги ўқув дарсликлари ва адабиётлар яратилмоқда. Ўтган ўқув йилидаги тажриба-синов ишлари асосида ушбу мулоҳазаларни барча фанлар хусусида ҳам юритиш мумкин. Эндиги вазифа эса мукаммал, синалган дастурлар асосида жаҳон андозаларидек дарсликлар яратишдир. Агар биз Ўзбекистон келажагига, тақдирига ўзимизнинг жавобгар эканлигимизни эътироф этсак, ҳар биримиз унинг тараққиёти воситаси бўлмиш иқтисодиёт фанини эгаллашни ўз бурчимиз деб билмоғимиз керак. Янги стандарт ва дастур ана шу мақсадга чорлайди.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Тошкент шаҳридаги 138 - мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси

ОВОЗИНГИЗ — ЭРТАНГИ ҲАЁТИНГИЗ

(Боши 1-бетда)

Шу маънода «Ноиб» сўзининг маъносини чақиб кўринг-а, «Вакил»га нақадар яқинлигини англайсиз. Демак, ҳамма вақт вакиллар ўз номидан эмас, ўзгалар талабидан сўзлаганлар. Шунингдек, «Ноиб» сўзи олдига «Халқ» сўзини ҳам қўшинг: Халқ ноиби.

Кўриниб турибдики, халқ номидан сўзловчи бугунги номзод, ўз навбатида, халқнинг дарду ўйини англай биладиган, ҳар жиҳатдан мукаммал, энг муҳими, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ишлата оладиган бўлиши керак. Қисқаси, бўлажак сайловларда «Етти ўлчаб, бир кес», мақолига амал қилган ҳолда кенг миқёсда фикрлайдиган инсонларга овоз бераман.

Беҳбуд БОТИРОВ,
ТошДУ талабаси:

— Маълумки, шу йил 5 декабрда Олий Мажлис депутатлигига сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Унда республикамизнинг барча туманларида, вилоятларда сайловчилар ўз номзодларини сайлайдилар. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, бу сайловлар замирида бевосита халқнинг, миллатнинг ва энг асосийси, юртнинг тақдири ётмайдими? Аслида ушбу ўтказилажак сайловларда қандай одамларни сайлаш керак?

Авваламбор, бундай сайловлар бурунги сайловлардан фарқ қилган ҳолда юртнинг, миллатнинг ишончини оқлайдиган, ватанимиз тақдирини ҳал этишни ва шунингдек, босқичма-босқич амалга оширилаётган тараққиёт йўлларини ҳеч иккиланмай белгилаб берувчи омил бўлиши керак. Негаки, Олий Мажлис депутатлари 8 йил давомида муваффақият билан амалга оширилаётган ишларнинг давомчиси ҳисобланиб, Ўзбекистонимизнинг демократик қонунчилигини то 2005-йилгача яратишда давом этишади. Халқнинг орасидан сайланган депутатлар ҳар томонлама мустаҳкам фикрга эга бўлиб, ўзларига юклатилган вазифани шараф ва шижоат билан бажаришлари лозим, деб ўйлайман.

Умуман олганда, яқинда ўтказиладиган депутатлар сайлови фақатгина юртимиз учун эмас, балки ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун катта аҳамият касб этажаги боис бу сайловларда энг муносиб номзодга илк бор овоз бераман.

Шаҳло МУТАЛОВА,
ТошДУ талабаси,
Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Faxr

ТИЛИМИЗДА СЎЙЛАСИН ЖАҲОН

Она тилимизга давлат мақоминнинг берилиши миллатимиз елкасига теккан офтоб янглиғ абадий, мустақиллик каби улуғ ҳодисадир. Ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилганига ўн йил тўлди. Ўзбек тили жаҳонга ўзининг кўркам жозибасини кўз-кўз қилмоқда. Ҳар йили давлат тили қабул қилинган кунни «Тил байрами» сифатида кенг нишонлаяпмиз. Бу байрам ўз навбатида ҳис қилиш ва ҳис қилдириш байрами бўлиб, юракларимизда она тилимизга нисбатан эзгулик туйғуларини ўстириб келмоқда.

Бу йилги тил байрами барча жойлардаги каби Тошкент Давлат юридик институтида ҳам катта тантаналар билан нишонланди. Институтда «Тил байрами — эл байрами» деб номланган дастур шодиёнаси уч босқичда бўлиб ўтди. Биринчи босқич «Тил — маънавият гулшани», иккинчи босқич «Тил — мустақил тафаккур рамзи», учинчи босқич «Тилга эътибор — элга эътибор» дея аталиб, уларда бугунги кунда тилимиз олдида турган муаммо ва режалар атрофлича таҳлил этилди.

Айниқса «Қонун, тил ва ҳуқуқий маданият амалиёти» номи билан ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуман муҳим аҳамият касб этди. Ушбу анжуманни институт ректори, профессор Ҳ.Бобоев очди. Анжуманда «Давлат тили ҳақида қонун ва ўзбек тили ижтимоий вазифасининг ортиши» ҳақида профессор К.Назаров (ТДЮИ), «Тил, табиий муҳит ва жамият» мавзуида доктор Сара Чандлер (Канада), «Ўзбек тилида ҳуқуқшунослик атамалари тараққиёти» тўғрисида Г.Ғуломова (ТДЮИ). «Халқаро ҳуқуқий атамалар» ҳақида тадқиқотчи Мўмин Ришат (ХХР) ва бошқалар маъруза қилдилар. Сўзга чиққанлар тилнинг жаҳон ҳамжамиятидаги имкониятларига атрофлича тўхталиб, тилни севиб ўрганишни, уни кўз қорачиғидек эъзозлаш кераклигини уқтириб ўтдилар.

Шундан кейин профессор-ўқитувчи ва талабалар иштирокида ўтказилган «Шеърият ва ҳуқуқий маданият» мавзусидаги шоирлар мушоираси ҳақиқий тил байрамига айланиб кетди. Мушоирада шоирлардан Йўлдош Сулаймон, Мирпўлат Мирзо, Шукур Қурбон, Гулчеҳра Йўлдошева, Маҳмуд Тойир, Фарида Афрўз ва Абдураҳмон Жўраевлар она-юрт, севги-муҳаббат ҳақида шеърлари билан анжуман руҳига янги руҳ қўшдилар. Айниқса, ҳозирги давр ўзбек шеъриятининг илғор вакиллари Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур ва Нигора Йўлдошеваларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Курбонбой ТОҲИРОВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчилари



Тошкент вилояти Давлат педагогика институтида ташкил этилган ахборот маркази ўз йўналишида бир талай ишларни амалга оширмоқда. Бу ишларда эса (суратда: чапдан ўнгга) мазкур марказ директори Жуманали Эркабоев ва марказ масъул котиби Убайдулла Абдиевларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЎҚУВЧИЛАР САРОЙИДА ЎҚУВЧИЛАР

Кейинги йилларда умумтаълим мактаблари негизида ўқувчилар ташкилотларини, клубларини ташкил этилиши ва бу борадаги дастлабки ишлар хусусида турли фикрлар, қараштлар, муносабатлар юзага чиқмоқда. Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни мактаб ҳаётида изчил қатнашишларини таъминлаш, ўсмирларда демократик ҳуқуқ тушунчаларини, жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, олиб борилаётган маънавий-маърифий тарбия, мафкуравий ишлар самарасини ошириш мақсадида тузилаётган болалар ташкилотлари ўз Низоми, тимсоллари, кўкрак нишони каби символларига эга бўлади.

Шу ҳафтада пойтахтдаги республика ўқувчилар саройида ана шундай ўқувчилар ташкилотларининг фаолиятлари, уларнинг рамзлари кўригига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев иштирок этди ва асосий жараённи олиб борди. Ўқувчилар ташкилотлари рамзлари тақдимотида Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 27-мактаб (А.Абдураззоқов), Фарғона вилояти Қува туманидаги 50-мактаб (В.Раҳимов), Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 22-мактаб (Д.Тожибоева), Тошкент вилояти Пскент тумани БЎИМ (З.Муродова), Ўрта Чирчиқ тумани БЎИМ (А.Жабборов), Тошкент шаҳридаги 50, 58, 166, 195, 239, 273, 326-мактабларда тузилган ташкилотлар қатнашдилар.

Анжуманда яқин келажакда республика миқёсида намунавий рамзларни танлаш, уларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди..

Ф.КАРИМОВ

Tanlov

ЭНГ ЯХШИ ТЕСТ МУАЛЛИФЛАРИ

Ҳар йили Давлат тест маркази томонидан «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танлови ўтказиб келинмоқда. 1999 йилда танловга 337 нафар муаллиф томонидан тестлар тақдим этилди. Бу аввалги йилгига нисбатан 139 та кўпдир. Тест тузишда мактаб ва лицей ўқитувчилари ўта фаоллик кўрсатмоқдалар. Танловга тақдим этилган жами тестнинг 285 таси мактаб ўқитувчилари томонидан тузилган. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий текшириш институтларининг ходимлари ўз имкониятларини бу соҳага етарлича жалб этмаяптилар.

Тест танлов ҳайъати танловга келган материалларни синчковлик билан ўрганиб чиқди. Ижодкор муаллифларнинг тестлари янги ғоялар билан бойитилган, ўзининг оригиналлиги, мантиқий фикрлашни талаб қилиши билан ажралиб туради. Янги, ўзига хос тестлар, яъни ўқувчиларни мушоҳадага ундовчи ёки бир тест саволи билан абитуриентни бир неча мавзу ҳамда қонуниятларни билишини талаб этувчи тестлар яратилган. Лекин айрим муаллифлар тузган тестлар жуда саёз бўлиб, уларни саволлар мажмуаси дейиш мумкин. Баъзи тестларда тўғри жавоб сифатида дарсликларда берилган мисоллар тўғридан-тўғри келтирилган. Тест муаллифлари оддий бир сўз, жумла ёки ҳисоблаш рақамини алмаштириб қўйишга ҳаракат этмаганлар.

Ҳар бир тест саволини яратиш ижод маҳсули бўлиб, уни тузиш жуда машаққатли иш эканлиги тушунарли. Чунки, ҳар битта саволни тузганда, аввало, унинг қўйилишини яхшилаб ўйлаш, сўнгра шу масала, мисол ёки матн жавобини ечиш жараёнида ўқувчилар йўл қўйиши мумкин бўлган типик хатолар асос қилиниб олиниши керак. Шундагина кўзланган мақсадга етиш мумкин.

Танловга келган тестларнинг ҳаммасини ҳам бир хилда юқори савияда деб бўлмайди. Лекин тест тузишга ўзининг қимматли вақтини, кучини, иродасини аямай танловга қатнашган ҳар бир муаллифнинг ташаббуси танлов ҳайъати томонидан юксак баҳоланади.

Танлов ҳайъати қуйидагиларни ғолиб деб топиб, тегишли ўринларни белгилади:

Ўзбек тили ва адабиёти бўйича

(ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар учун)

1-мукофот - берилмади.

Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани лицей-интернати ўқитувчиси Қория Абдураҳимовага — 2-мукофот.

Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 64-гимназия мактаби ўқитувчиси Гавҳар Усмоновага — 3-мукофот.

Рус тили

(рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун)

Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани Ш.Рашидов номидаги лицей ўқитувчиси А.Расуловага — 1-мукофот.

Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Заркент тил, иқтисодиёт ва чизмачилик лицейи ўқитувчиси Г.Маҳмудовага — 2-мукофот.

Андижон вилояти, Булоқбоши тумани 17-мактаб ўқитувчиси Т.Абидовга — 3-мукофот.

Рус тили

(миллий тилда ўқитиладиган мактаблар учун)

Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани Ш.Рашидов номидаги лицей ўқитувчиси А.Расуловага — 1-мукофот.

Бухоро вилояти, Жондор туманидан 1-мактаб ўқитувчиси Х.Темировага — 2-мукофот.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиатош шаҳридаги 6-мактаб ўқитувчиси Б.Матжоновага — 3-мукофот.

Қорақалпоқ тили ва адабиёти бўйича

1-мукофот берилмади

Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой туманидаги 15-мактабнинг ўқитувчиси Қонисбай Юсуповга — 2-мукофот.

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси Салия Атажановага — 3-мукофот.

Инглиз тили бўйича

Наманган вилояти, Чуст туманидаги 52-гимназия ўқитувчиси Нигора Саматова — 1-мукофот.

Тошкент вилояти, Паркент туманидаги лицей-интернат ўқитувчиси Қосимжон Боқижовга — 2-мукофот.

Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ туманидаги 1-лицей ўқитувчиси Қувончбой Ўринбоевга — 3-мукофот.

Француз тили бўйича

Жиззах вилояти, Жиззах туманидаги А.Норқулов номидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси Қодирқул Очиловга — 1-мукофот.

Сурхондарё вилояти, Ангор тумани «Қорасув» жамоа хўжалигидаги 3-мактаб ўқитувчиси Турдимурот Хушнаевга — 2-мукофот.

Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги 68-мактаб ўқитувчиси Абдумутал Улашовга — 3-мукофот.

Немис тили бўйича

1-мукофот берилмади.

Андижон вилояти, Избоскан туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси Дилором Сиддиқовага — 2-мукофот.

Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги 36-мактаб ўқитувчиси Ҳотам Ражабовга — 3-мукофот.

1 2 3 4

ГРАНАДАДА 20 КУН

Xalqaro hamkorlik

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетидан 4 кишилик делегация Гранада университетида (Испания) «Темпус» дастурига бағишланган семинарда иштирок этиб қайтди. Делегация бошлиғи, университет ташқи алоқалар бўйича ректор муовини Гуландом Боқиева ушбу сафар таассурротларини шундай умумлаштиради:

— «Темпус-Тасис» дастури асосида Гранада университетининг умумий бошқарув тизими — ўқув академик бўлимлари, кутубхона, бухгалтерия-ҳисоб бўлими иш фаолиятлари билан танишиш бу семинарнинг бош мақсади эди. Филология, таржимонлик, журналис- тика факультетларида олиб борилаётган маъмурий ишлар, ўқув режа ва дастурлари, тил ва компьютер марказлари билан яқиндан танишиб қайтдик.

Ҳозирда Гранада университетининг 23 та факультети бўлиб, у 65 мингдан ортиқ талаба, 3000 нафар аспирант, 3500 нафар ўқитувчи-профессор ва 1500 нафар маъмурий ходимларга эга. Университетда 6000 дан ортиқ хорижлик талабалар таҳсил олишади.

Бизнинг делегацияни Гранада университетининг ўқув ишлари бўйича ректор муовини қабул қилиб, бу ернинг тарихи ва ўқув ишлари ҳақида ахборот берди.

Ўқув ишлари жуда яхши ишга қўйилган. Университетга кирган ҳар бир талаба 4 ёки 5 йил давомида қайси фанларни ўқиши, қандай фанлардан имтиҳон топшириши ҳақидаги дастур билан таъминланар экан. Ва у шу асосда ўқийди.

Университетнинг асосий кутубхонаси 3 миллиондан ортиқ китоб заҳирасига эга. Ҳар бир факультетда кутубхона бўлимлари бор. Асосий кутубхона электрон почта орқали жаҳондаги бошқа давлат кутубхоналарига уланган.

Асосий кутубхонада энг қадимий ва ноёб IX-XVIII, XIX асрлардаги фотосуратлар сақланмоқда. Китоблар мазмунан эскириб, титилган бўлса ҳам, бирорта китоб кутубхона ҳисобидан чиқарилмас экан. Кутубхона ва ўқув заллари кенг, ёруғ, қулай. Китобларга буюртма бериш компьютерлашган.

Декан ва декан муовинлари, бўлим бошлиқларининг иш ва вазифалари аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Ҳар бир ўқитувчи ўз хонаси ва жиҳозларига эга.

Талабалар бирор айби учун университетдан четлатилмас экан. У 55 ой давомида ўқиб, давлатдан стипендия олади ва ўқишлари унумли бўлиб, керакли балларни жамласа, диплом олади. Аммо бирор сабаб билан белгиланган 55 ой давомида диплом олишга муваффақ бўлмаса, ўқишни ўзига қулай вақтда давом эттиришга ҳақлидир.

Ҳар бир талаба «Талабалар жамияти»га аъзо бўлади. Бунинг учун талаба белгиланган миқдорда аъзолик бадали тўлайди ва шунга мувофиқ бепул медицина ёрдами, талабалар ошхонасида арзон овқат, имтиёзли транспорт хизматидан фойдаланади.

Дорилфунун бош ҳисобчиси жаноб Роберт Гомес ҳисоб-китоблар ҳақида тушунча берди. Ҳар бир факультет ўз бухгалтериясига эга бўлиб, улар бош ҳисобчига бўйсунади. Оддий ўқитувчининг ўртача ойлик маоши 500-2000 АҚШ долларига тўғри келади. Бухгалтерия ҳам замонавий технологияга эга.

Журналистика факультети ахборот, матбуот, телевидение, радио, нашриёт, реклама агентликлари ҳамда таълимий муассасалар билан боғлиқ ҳолда иш олиб боради. Юқори малакали кадрлар ва ҳозирги замон талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш учун Малага университети билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетимизда янги очилган «Халқаро журналистика» факультети ишини ташкил этишда, гранадалик ҳамкасбларимиз фаолиятидаги ўзимизга мос жиҳатларни олишни дилимизга тугдик.

«АЗАЛДАН ЕР УЧУН ҚОН ИЛА ЖОН...»

Ўзбек ижодкорлари сув ҳақида

Ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ўз асарларида сув тўғрисида ажойиб фикрларни баён қилишган. Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Комил, Муқимий, Дилшод, Анбар отин каби шоирлар сувнинг муқаддаслиги тўғрисида ўнлаб шеърлар ижод қилганлар.

XI асрда ўтган қомусий олим Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида сойлар, дарёлар, тоғ сувлари, ёмғир сувлари ҳақида ҳам ажойиб тўртликлар яратган:

Қор ва музлар эришди,
Тоғ сувлари юришди.
Кўкда булут юришди,
Қайиқлардек ўйнашур.

Алишер Навоийнинг «Хазойинул маоний» асари ва «Хамса»га кирган достонларида сувнинг азизлиги, инсон ва замин, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун ниҳоятда зарурлиги, дунёда тирик мавжудотнинг сувдан пайдо бўлгани ҳақида гўзал байтлар, қитъалар, ғазал ва рубоийлар битилган.

Етишса ўлум рангин беморлиғ,
Сув бергунча қилмай биров ёрлиғ.
Сув бермак неким, зоҳир айлаб ғулу,
Олурға агар бўлса жонимда сув.

Шоир ижодида сув рамзий маъно касб этган. Навоий ўзбек халқининг сув ҳақидаги мақолларидан фойдаланиб, ажойиб лирик ғазаллар, фалсафий қитъа ва туюқлар яратган:

Рақиби синдуруб кўнглину мен йиғлаб анга, лекин,
Сув келтирмак ҳамону кўза синдирмак ҳамон эрмиш.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик ғазал ва рубоийлар битиш, «Бобурнома»дек машҳур тарихий асарлар ёзиш билан бир қаторда сув ҳақида «Китоб-с-салар» номли рисола ҳам яратган. Бу асарда сув ҳақида қизиқарли фикрлар баён қилинган. Бобур қандай сувлар пок, тоза ҳисобланади, деган савол қўйиб, унга шундай жавоб беради:

Бўл оқар су ақаллидин огоҳ,
Ким оқарда оқизса бир пар-и коҳ
Бу сувни тоҳир-у, мутаҳҳар бил,
Ҳар нима йур эсанг бу сувда йувғил ...

Мунисниг сув радифи билан ёзган ғазаллари ўша даврлардаёқ эл орасида машҳур бўлган. Шоирнинг вафотидан сўнг унинг ижод йўлини, касби — миробликни ҳам давом эттирган жияни Огаҳий кўп ўринда сувни рамзий маънода қўллаб ажойиб лирик шеърлар битган:

Фурқатингдан мавж урар бу дидаи пурхунда сув,
Ўйлаким шўриш қилур пайдо тошиб Жайҳунда сув.
То бўлуб гирён югурдим ҳар тараф истаб сани,
Сели ашким бирла оқти водию ҳомунда сув.

Хоразмлик бошқа бир йирик шоир Комил «Тошкент мадҳи» қасидасида Тошкентнинг Анҳор ва ариқларини завқ-шавқ билан мадҳ этади. Қишинёзин оқиб турадиган Анҳор сувининг афсонавий Хизр суви билан тенглигини таъкидлайди.

Муқимий ўзи туғилиб ўсган Қўқон, унинг атрофидаги Рошидон, Водил каби қишлоқларнинг табиий манзарасини маҳорат билан тасвирлаб, улар бир-биридан асосан сувларининг хусусиятлари билан фарқланиб туришларига диққатини қаратади.

Аммо назарда «Рошидон»,
Фирдавс боғидан нишон.
Ўйнаб оқар оби равон,
Саҳни гулу гулзор экан.

«Водил» мақоми дилфизо,
Кўчаларидур дилкушо,
Анҳорида оби сафо,
Себарга, обишор экан.

Қадимда Туркистон халқлари сувга ёлчимаган. Ҳамма ҳам сувдан экин-тикинда фойдалана олмаган. Сувга «Ё заринг бўлсин ёки зўринг» қабилида муносабатда бўлинган. «Зўри бор» амалдорлар сув қулоғида - бошида бўлганлар. Ери бору суви йўқлигидан аҳолининг катта қисми экин-тикин қилолмай, сарсону саргардон бўлган. Ерлар сувсизликдан қақраб, чўлга айланган. Қўқонлик шоир Махмур:

Чўл, йўқ қатраи сув, каттакичик ёзу қиш,
Қўлини қумга ювиб, кетига суртар гувалак, —

деб бир шеърида истеҳзо билан ёзган.

X1X аср охири XX аср бошларида ҳам Туркистонда «сув жанжаллари» бўлиб турган. «Зар ёки зўри борлар» сувни ортиғи билан олабергач, оддий халқнинг фиғони фалакка кўтарилиб, жанжаллар юз берган. Завқий сув тақсимотидаги адолатсизликларни кўриб, «Сув жанжали» шеърида шундай ёзган:

Ҳар қанча қилса гуфту гў,
Бу ёзда тансиқ бўлди су
Ким можаронинг боши бу,
Моҳияти яққол экан.

Хоҳ рози, хоҳ бўлсин хуноб,
Юрт-элга сув бермай мироб,
Ҳожи ерин қилмиш сероб,
Деҳқон учун қаттол экан.

Шоира Анбар отин сув Оллоҳнинг инсонга ҳадя этган улуғ неъмати, у ҳаммага тенг тақсим қилиниши лозим, нега бойлар «учни олса, чоракорлар бирни олар», деб зулмкорларга қаҳр-ғазабини изҳор қилса, Дилшод Барно Фарғона халқининг сув билан боғлиқ аччиқ қисматидан ҳаққоний лавҳалар яратган. Шоиранинг ***«Азалда ер учун қон ила жон сув»*** *мисраси билан бошланувчи ғазалида сувга аниқ бадиий таъриф берилади:*

Азалда ер учун қон ила жон сув,
Бинокори замину ҳам макон сув.

Дилшоднинг бу асарини сув тарихининг бадиий инъикоси, дейиш мумкин. Шоира сувнинг ерзамин учун нечоғлик зарурлигини таъкидлаш-билан бир қаторда, баъзан сувнинг «балойи ногаҳоний»га айланиб, халқ бошига офатлар келтиришини рўй-рост баён қилади.

Дилшод Барнонинг шогирди, ҳассос шоира Анбар отин ҳам вақти келиб юз берадиган «балойи ногаҳоний» — сув тошқинларининг олди олиниши ҳақида башорат қилиб, шундай мисраларни битган:

Келиб хушнуд авлодим,
мани мулким қилур обод,
Бу вайрона диёримда шаҳарлар айлагай бунёд.
Тўсиб дарё сувини, чўли бедунга юбориб жон,
Ҳамма қишлоқ элини сув балосидан қилур озод.

Сув ҳақида, уни рамзий маънода қўллаб яратилган кенг қамровли бадиий асарлар фақат ўзбек мумтоз адабиётига хос хусусиятлардир. (Бу хусусият бошқа халқлар адабиётида ёркин ажралиб турмайди). Бунинг асосий сабабларидан бири ҳам Марказий Осиёдаги сув танқислиги муаммосидир. Иккинчидан, халқимиз сувнинг олтинга тенглиги, уволи ҳақида, уни тежаш ҳақида, софлигини, сифатини сақлаш ҳақида қайта-қайта уқдириб турган. Қоларверса, Туркистон халқи ўз ризқи-рўзини суғориладиган ерлар ҳисобидан кўтарган. Тўртинчидан, ислом ақидаларига кўра ҳам сув муқаддас ҳисобланган...

Ўзбек мумтоз адабиёти ижодкорларининг сувнинг жамият, инсоният учун ниҳоятда зарурлигини таъкидлаб ёзган бадиий асарлари айни пайтда Сувни эъзозлашга, увол қилмасликка, тозалигини сақлашга, тежаб-тергаб сарфлашга қилган даъватлари ҳамдир.

Абдуҳамид АБДУРАҲМОН ўғли

МУҲИМ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР

Taqriz

5—6-синфлар учун янги дастурга мос «Математика» ўқув қўлланмасининг 3-нашри 1999 йилда (Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти) лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилди. (Муаллифлари: Икромов Ж.,Мирзаахмедов М., Раҳимқориев А., Саиджонов И.С., Юсупов О.).

Иккала ўқув қўлланманинг тақдимномаси май ойида республика таълим марказида бўлиб ўтди. Ушбу қўлланмалар аниқ, мукаммал, илмий, мантиқий асосга қурилган. Натурал сонлар устида тўрт амал баёнидан сўнг, оддий касрлар, сўнгра ўнли касрлар, кейин эса рационал сонлар ва улар устида амаллар ўрганилади. Ўқув қўлланмаларинг бу тизим бўйича баён қилиниши муҳим аҳамиятга молик.

Муаллифлар китобни ёзиш жараёнида АҚШ, Англия, Германия, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлар, МДҲ давлатлари ўқув дастурлари, мавзуларнинг ривожлантирилиши, ўқув қўлланмалари билан танишганлар.Чунки иккала дарсликни ёзишда янгича ёндашув, унда ҳозирги замон математика тараққиётининг миллий, тарихий мероси билан боғлиқлиги бунинг исботидир. Шу билан бирга, Ўзбекистон математика мактабининг жаҳон математикасига қўшган ҳиссаси - математиканинг қайси илмий йўналишларда эканлиги ҳам эътиборга олинган. Натижада 6-синф «Математика»сига «Симметрия», «Эҳтимоллар назарияси элементлари», «Масала ечиш усуллари» боблари қўшилди. Бу эса умумий ўрта таълим мактабларининг давлат таълим стандартларига мос келади.

Бу китобларда юртимизнинг буюк алломалари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ғиёсиддин ал-Коший, Мирзо Улуғбек ҳақида маълумотлар, улар ижодидан намуналар берилган. Ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала ҳақида қисқача китоб» асари, Ал-Кошийнинг «Айлана ҳақида рисола» асари билан ўқувчилар таништирилади, улардаги баъзи масалалар келтирилади.

5-синф «Пропорциялар» мавзусини ёзишда Беруниийнинг нисбатлар назариясига буюк ҳисса қўшган олим эканлиги айтилиб, унинг бир неча масаласи билан ўқувчилар таништирилади.

Унли касрлар Мирзо Улуғбек илмий мактабида кашф қилинганлиги, айлана узунлигининг диаметрига нисбати (П-сони) вергулдан сўнг 17 хона аниқлигида айни Улуғбек расадхонасида ҳисобланганлиги ва бу натижа дунё олимлари томонидан тан олингани китобда баён қилинган. Бу масалалар болаларнинг ёшига, уларнинг қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, содда ва тушунарли қилиб баён этишга муаллифлар маълум даражада эришишган.

Миллий мафкура, ватанпарварлик, миллий ғурурнинг шакллантирилиши, ривожи ва сайқал топишида бундай ёндашув мақбул ва диққатга сазовордир. Шу билан бирга, китобларда замонавий ўзбек олимларидан Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов каби буюк олимлар, уларнинг ҳозирги замон илм-фанига қўшган ҳиссаларини ёзишда янгича ёндашув, унда ҳозирги замон математика тараққиётининг миллий, тарихий мероси билан боғлиқлиги бунинг исботидир. Шу билан бирга, Ўзбекистон математика мактабининг жаҳон математикасига қўшган ҳиссаси - математиканинг қайси илмий йўналишларда эканлиги ҳам эътиборга олинган. Натижада 6-синф «Математика»сига «Симметрия», «Эҳтимоллар назарияси элементлари», «Масала ечиш усуллари» боблари қўшилди. Бу эса умумий ўрта таълим мактабларининг давлат таълим стандартларига мос келади.

Бу китобларда юртимизнинг буюк алломалари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ғиёсиддин ал-Коший, Мирзо Улуғбек ҳақида маълумотлар, улар ижодидан намуналар берилган. Ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала ҳақида қисқача китоб» асари, Ал-Кошийнинг «Айлана ҳақида рисола» асари билан ўқувчилар таништирилади, улардаги баъзи масалалар келтирилади.

5-синф «Пропорциялар» мавзусини ёзишда Беруниийнинг нисбатлар назариясига буюк ҳисса қўшган олим эканлиги айтилиб, унинг бир неча масаласи билан ўқувчилар таништирилади.

Унли касрлар Мирзо Улуғбек илмий мактабида кашф қилинганлиги, айлана узунлигининг диаметрига нисбати (П-сони) вергулдан сўнг 17 хона аниқлигида айни Улуғбек расадхонасида ҳисобланганлиги ва бу натижа дунё олимлари томонидан тан олингани китобда баён қилинган. Бу масалалар болаларнинг ёшига, уларнинг қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, содда ва тушунарли қилиб баён этишга муаллифлар маълум даражада эришишган.

Миллий мафкура, ватанпарварлик, миллий ғурурнинг шакллантирилиши, ривожи ва сайқал топишида бундай ёндашув мақбул ва диққатга сазовордир. Шу билан бирга, китобларда замонавий ўзбек олимларидан Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов каби буюк олимлар, уларнинг ҳозирги замон илм-фанига қўшган ҳиссаларини олиш дилимизга тугдик.

Китобларда масалалар маҳмуаси мустаҳкамлаш билан бирга, амалиёт билан, геометрия, иқтисодиёт ва физика билан боғлиқки, бу келгусида ўқувчиларнинг шу предметларни ўрганишларига замин тайёрлайди. Бу каби масалалар ўқувчиларга математикани ўқиш зарур аҳамиятга эга эканлигини, унинг услублари кишиларнинг фаолияти билан, ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини идрок этишларида катта ёрдам беради. Айниқса, мураккаб процентларни, эҳтимоллар назариясининг амалиёт билан, иқтисодиёт билан бевосита боғлиқлигини кўрсатувчи, таъкидловчи масалалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Масалалар табақалаштирилган, улар иккита мураккаблик даражасида: «А» гуруҳидаги масалалар ДТСининг (минимал) мажбурий билим даражасида, «В» гуруҳидаги масалалар ўқувчиларнинг билимларини янада чуқурлаштириш, қобилиятларини очиш, иқтидорларига сайқал беришга мўлжалланган.

Масалаларнинг маълум бир туркуми, гуруҳи ўқувчи билимини, онгини устирувчи, уларни ижодга ундовчи масалалардир. Уларни ечишда оригинал фикрлаш, ҳозирги мавзуни аввалроқ ўтилганлари билан боғлаш, таққослаш зарур бўлади. Ижодий характердаги машқлар ўқувчилар иқтидорини, қобилиятини очишда, унинг фикрини ривожлантиришда муаллимга қўл келади.

Китобларда қизиқарли масалаларга ҳам етарлича ўрин берилган. Улар математика ўқитиш жараёнини инсонпарварлаштиради.

Китобларда геометрик тушунчалар фақаттина дастлабки танишув тариқасида берилган: ўқувчиларни геометрик объектларнинг сонли характеристикаларини (узунлиги, юзи, сирти, ҳажмини) тайёр формулалар ёрдамида ҳисоблашни ўргатишга қаратилган. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қаётий тажрибалари ҳисобга олинган. Ўқувчилар 3—4-синфларданоқ, қўплари боғча ёшиданоқ шар, конус, кубик, айлана билан танишади.

Геометрик мазмунли масалалар арифметикани алгебра ва геометрия билан боғлайди, бажарилаётган арифметик амаллар (қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш)га мазмун бағишлайди, «жон» киритади; асбтракт тушунчани, амални аслида амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатади.

Китобда содда геометрик тушунчалар билан боғлиқ амалий машғулотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилган. Чизғич, циркуль, транспортир, тўғри бурчакли учбурчак, қоғоз, картон, қайчи ёрдамида турли шакллар, ёйилмалар ясаш, назарий фикрмулоҳазани амалиётда синаб кўриш, ўз тажрибасида ишонч ҳосил қилиш ўқувчиларда математиканинг амалиёт билан боғлиқлигига, назарий маълумотларнинг тўғрилигига ишончларини тасдиқлайди. Боланинг ўз қўли билан қилган бу иши абстракт исботга қараганда унинг ёдида узоқроқ қолади.

Китобларда мавзуларга мос ҳолда машҳур математик олимлар (Пифагор, Евклид, Декард, Эратосфен ва ҳ.к.) ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Китобларда тушунчалар ва исмлар кўрсаткичининг берилиши муаллим ва ўқувчига тегишли мазмунни, тушунчани, шахсни тез топиш имконини беради.

6-синфга «Симметрия» мавзусини киритилиши ўқувчиларда ғузаллик туйғусини, мамлакатимиз қадимий обидаларини, миллий нақш санъатимизни тўғри, онгли идрок қилишларида катта аҳамият касб этади.

«Эҳтимоллар назарияси элементлари» мавзуси бу фаннинг иқтисодиёт учун, кишиларнинг кундалик амалий фаолиятида муҳим ўрин эгаллагани учун дунёнинг, ҳаётимизнинг тузилиш тарзи эҳтимолий—статистик характердалигини инобатга олиб киритилган. Бу мавзу дастлабки танишув тариқасида баён этилган. Кейинги синфларда у ДТС талабларига мувофиқ давом эттирилиши, ривожлантирилиши керак.

Ўқувчиларга осон бўлиш учун «Ўйда бажариш учун машқлар», «Такрорлаш машқлари», «Синфдан ташқари ишлар учун машқлар» алоҳида берилган.

Боблардаги мавзуларга оид тест саволларининг берилишини ижобий ҳолат деб баҳолаймиз.

Ушбу ўқув қўлланмалар айрим камчиликлардан ҳам холи эмас.

Кейинги нашрлари газета қоғозида чоп этилган, чизмаларнинг геометрик ижроси яхши эмас. Иккала китоб ҳам 3-4 хил рангда бажарилиши мақбул, деб ҳисоблаймиз. Ҳарфлари кичик. Масалан, шу синфлар учун адабиёт, тарих дарсликлари каттароқ ҳарфда терилган. 6-синф қўлланмасида айрим масалаларнинг изоҳида стилистик ғализликлар учрайди.

Қўлланмалар математикадан тузилган дастурлар талабларига мос келади.

Ф.УСМОНОВ,
Тошкент иқтисодиёт университети қошидаги гимназия ўқитувчиси

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИДА СЎЗ БОЙЛИГИ

У

Узаки — узанги
Ули — ўғли
Улсизлигим — ўғилсизлигим

Ф

Файзи саҳар — тонг файзида

Х

Хоназод — зоти асл
Хийли — анча
Хатаб — тўсиқ, девор

Ч

Чағилиб — кўзлари қамашиб, кўз олди қоронғилашиб
Чечиб — ечиб
Чечан — эпчил
Чориб — чоғлаб
Чолмаган — йиқитмаган
Чиргин — отнинг анжомлари
Чупурин — чупрон, хатна
Чочбовматим туйилди — сочпопугим тугилди
Чошкада — чошгоҳ, туш пайти
Чилтон — куну тун Оллоҳнинг зикрини қилувчи қирқ кишилик уюшма
Чотарман — боғлайман
Чолмасам — йиқилмасам
Чингириб — чинқириб
Черики — гардини
Чийирди — чақирди
Чорсисин — белбоғини
Чопоғончи — эпчил югурувчи
Чувлаб — бақир-чақир қилиб

Ш

Шой — шох
Шуйтиб — шундай қилиб
Шамиён — шоҳона чодир
Шароби анжоҳур — жаннатдаги энг пок сув
Шовқина — шовқинга
Шубаниб — ечиниб, ечиниб туриб
Шомурти — шоп мўйлови
Шафе — бировнинг гуноҳидан кечишни сўрамоқ

Э

Элатия — элат, юрт, мамлакат
Элибой — юрти бой, халқи бой
Энчи — мол, қўй ёки бошқа уй ҳайвонларидан совға қилиш
Эт қизувман — бадан қизиш билан

Ю

Югурук — чопоғон, еладиган

Я

Яртибой — чалавой
Ярашиққа — ярашсин деб (зеб учун)
Яғрини — кураги, елкаси

Ў

Ўзавон — ўзларича
Ўрлашмоқ — айтишиб қолмоқ
Ўмулдирик — ўлимса
Ўнакимом — ўн икки имом
Ўй — ундай
Ўнғай — қулай

Қ

Қарсақ — яхмалак, муз
Қийинглик — қийинчилик
Қайқи таёқ — эгри таёқ
Қамсаб — қистаб, тезлаб
Қулотуз — яйдоқ чўл
Қичаб — тезлаб
Қағанақ — қуш номи
Қовдон — ўт
Қантариб — боғлаб
Қопиб — қучоғлаб
Қимтиса — ҳаракат қилса
Кубба — тўп-тўп
Қутби — қутлуғ
Қусармас — дарвеш

Ғ

Ғуччоқ — бўйдоқ
Ғуссали доққа — қайғули оламга
Ғаريبликда — мусофирликда
Ғамоғул — ғулғула, шовқин-сурон

Х

Ҳоми берди — куч берди ёки руҳий куч берди

Мамлакат ЛАТИПОВА,
Гулистон Давлат университети қошидаги академик лицейнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси

(Охири. Боши газетамизнинг 20,27 октябрь сонларида).

Математика фани бўйича

Бухоро вилояти, Жондор туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси Қаҳрамон Усмоновга — 1-мукофот.

Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги 14-мактаб-лицей ўқитувчиси Ғанижон Кимсановга — 2-мукофот.

Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Шарғун шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси Пирмат Дўстмуродовга — 3-мукофот.

География фани бўйича

Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги 39-мактаб ўқитувчиси Жамила Турдиевага — 1-мукофот.

Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Илмдор Арзиевга — 2-мукофот.

Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги Ш.Рашидов номидаги лицей ўқитувчиси Абдумажит Ўскиновга — 3-мукофот.

Биология фани бўйича

1-мукофот берилмади.

Наманган вилояти, Чуст туманидаги иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси Даврон Деҳқоновга — 2-мукофот.

Тошкент шаҳри, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети 2-курс талабаси Нозигул Раҳимовага — 3-мукофот.

Кимё фани бўйича

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманининг «Мингчинор» лицей-интернати ўқитувчиси Мурат Алибековга — 1-мукофот.

Жиззах вилояти, Дўстлик туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Ўсар Юлдашевга — 2-мукофот.

Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси Шавкат Назаровга — 3-мукофот.

Физика фани бўйича

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ доценти Абдурайим Узоқовга — 1-мукофот.

Тошкент вилояти, Пискент тумани 28-мактаб ўқитувчиси Тошпўлат Йўлдошевга — 2-мукофот.

Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси Умиджон Пирматовга — 3-мукофот.

Давлат ва ҳуқуқ асослари фани бўйича

Сирдарё вилояти, «Оқ олтин» туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси Маҳмадамин Қорабоевга — 1-мукофот.

Андижон шаҳридаги 35-ҳуқуқшунослик лицейи ўқитувчиси Омина Амановага — 2-мукофот.

Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси Дисмурод Досматовга — 3-мукофот.

Тарих фани бўйича

1-мукофот берилмади.

Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 36-мактаб ўқитувчиси Абдусамад Норовга — 2-мукофот.

Навоий вилояти, Навоий туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Матлуба Ҳақбердиевага — 3-мукофот.

ДТМ

АЖДОДЛАР ЁДИ ЎЧМАС

Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси қошидаги Рассомлик коллежида «Аждодлар ёди» номли республика кўрик-танловининг илк босқичи ўтказилди. Ушбу танлов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда халқимиз тарихида учмас из қолдирган Спитамен, Широқ, Маҳмуд Торобий, Темур Малик, Тумарис, Муқанна каби сиймоларнинг рамзий образлари яратилиши кўзда тутилган эди.

Республика Рассомлик коллежида ўтказилган ушбу тадбирда танлов учун тақдим этилган энг сара асарлар намойиш этилди.

Кўрик-танлов якунида ҳайъат аъзолари томонидан ғолиб деб топилган асарлар муаллифларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Фотима ИСЛОМ қизи

ЗУЛФИЯ ҚИЗЛАРИ

Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова раҳбарлик қилаётган Юнусобод туманидаги 273-мактабда «Зулфия қизлари» номли кўрик бўлиб ўтди.

Унда ушбу мактабнинг ёш тарихчи қизлари, ижодкор шоираю мусаввирлари ўз санъатларини намойиш этишди. Айниқса, шоира қизларнинг шеърлари йиғилганларда зўр қизиқиш уйғотди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Ф.СП-1

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги Республика матбуот тарқатиш маркази

АБОНЕМЕНТ — газета / журнал

«Ma'rifat» (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

П.В. жойи

(нашр кўрсаткичи)

(нашр номи)

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	Сўм	Обуна сони
	Баҳоси	Сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (манзил)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Ҳурматли таълим-тарбия муассасаси раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар!

Республикамизнинг барча даврий нашрлари қаторида Сизнинг ҳаммаслагингиз, дастёрингиз «MA'RIFAT» газетасига 2000 йил учун обуна жараёни давом этмоқда.

Нашр индекси: якка обуначилар учун — 149, ташкилотлар учун — 150.

E'tibor

БУЮК КЕЛАЖАКДАН ДАРАК...

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан буён ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқларнинг асосий омилларидан бири спорт эканлиги бугун барчамизга аён. Давлатимиз раҳбари айтганидек, «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди». Дунёга қисқа вақт ичида машҳур бўлиш эса ўз-ўзидан бўладиган ҳодиса эмас. Қайси давлатки, нимаси биландир дунёга машҳур бўлдими, демак, ўша «нимаси»нинг пойдевори мустаҳкам бўлади. Юртимиз спортчиларининг шу кунга қадар эришган ютуқлари ҳам мамлакатимизда спортга бўлган эътиборнинг юксаклигидандир. Айниқса, юртимиз футболи айни пайтда юксалиш йўлида. Спортнинг бу турини янада ривожлантириш борасида таълим тизимида бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январь ва 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантириш ва футбол ўйинчиларини қайтадан тайёрлашни тубдан ташкил этиш ҳақида» ва «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳақида»ги қарорлари ана шу мақсад сари қўйилган дастлабки қадамлар эди. Ҳозиргача республикамизда 18 та футбол мактаб-интернатлари ташкил қилинган. Ана шулардан бири яқинда пойтахтимизнинг Ҳамза туманида тақдимоти бўлиб ўтган футбол мактаб-интернатидир.



Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ушбу мактаб ўқувчиларининг Ўзбекистон футболининг давомчилари — янги асрнинг етук футболчилари бўлиб етишиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларига ишонч билдиришди.

Тадбир ниҳоясида ушбу мактаб-интернатнинг 5-синфига қабул қилинган 35 нафар ёш футболчилар Ватанимизни севишга, қадрлашга, мустақил давлатимизга содиқ бўлишга, Ўзбекистон спортининг жаҳон миқёсидаги мавқеини янада юқори поғоналарга кўтаришга сўз бердилар.

Тақдимот маросими тугагач, ушбу мактаб-интернат ҳақида батафсил маълумот беришини сўраб, мактабнинг ўқув ишлари бўйича илмий бўлим мудири Эгамберди Ҳусановга мурожаат қилдик.

— Мактабимиз ўқувчиларининг сони 227 нафар бўлиб, унда асосий ўқув-тарбиявий ишларни «Пахтакор» ва мамлакатимиз ёшлар терма жамоасининг собиқ ўйинчиси, хизмат кўрсатган мураббий М.С.Басов ҳамда олий тоифали мураббийлар Ю.Усенко, М.Жабарганов-лар олиб боришади. Мазкур ўқув йилида мактаб-интернатга ўрта умумтаълим мактабларидан келиб танловда иштирок этган мингдан ортиқ ўқувчилардан энг чаққонлари, билимлилари бўлган 35 киши танлаб олинди. Танлов рейтинг тизимида ўтказилиб, «Ўқувчиларни футбол мактаб-интернатига қабул қилиш ва танлаб олиш ҳақида»ги Низом талабига асосан ташкил қилинди. Бунда биринчи навбатда жисмонан соғломлигига эътибор қаратилиб, сўнг футбол бўйича тест синовлари ва умумтаълим фанларидан имтиҳонлар олинди. Футбол мактаб-интернати тарбияланувчилари учун иккита чим босилган футбол майдони, бошқа спорт турлари билан шуғулланиш учун майдончалар, машқлар зали, мини-футбол учун спорт зали замонавий анжомлар билан жиҳозланиб фаолият кўрсатмоқда. Бу мактаб тарбияланувчиларига ватанпарварлик, инсонийлик ғояларини сингдириш, уларни миллий, умуминсоний қадриятлар ва анъаналар руҳида тарбиялаш мақсадида «Маънавият ва маърифат» хонаси ишлаб турибди. Янги ўқув режасига кўра ўқувчиларга «Ватан туйғуси», «Ўзбекистон ифтихори», «Нутқ маданияти» фанлари ўтилмоқда. Бу учала фан учун қўлланма-дастурлар мавжуд. Бу фанларнинг спортчи учун жуда зарурлиги номлариданоқ маълум бўлиб турибди. Мисол учун спортчи чет давлатга бордими, биринчи ўринда Ватан туйғусини ҳис қилади. Иккинчидан, унда нутқ маданияти шаклланган бўлиши лозим. Ниҳоят, Ватани шаънини ҳимоя қилаётганлигини бир лаҳза бўлса-да ёдидан чиқармаслиги талаб қилинади. Шунинг учун бу фанлар ўқувчилар учун жуда ўринли ва фойдалидир.

Ҳа, азизлар, юрт келажаги — ёшларники. Уларга қаратилган эътибор, келажакка қаратилган эътибордир. Эътибор ҳаракатда билинади. Бугунги ҳаракат эса эртага баракали натижа бериши муқаррар. Ушбу ташкил қилинган футбол мактаб-интернати ана шундай юртимизнинг порлоқ келажаги сари ташланган дадил қадамларнинг навбатдагиси бўлди.

Шерали НИШОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ҒОЛИБ ЎЙИНДАН ОЛДИН АНИҚЛАНАДИ (МИ)?

ёки "Қувноқ стартлар"дан келиб чиққан сабоқлар

(Боши 1-бетда)

Бунинг сабаби ҳақида кўп гапириш мумкин. Бизга маълум бўлишича, ўйин натижаларини олдиндан ҳал этиб қўйиш, турли "келишувлар" ҳам бўлиб тураркан. Бундан ташқари, баъзи вилоятларда битта жамоа танлаб олиниб, уни республика босқичига алоҳида, мунтазам тайёрлаб келиш ҳоллари кузатилди. Ваҳоланки, "Қувноқ стартлар" ҳар бир умумтаълим мактабларида уюштирилиши, туман ёки шаҳар босқичида ғолиб чиққанлар вилоят биринчилигида куч синашишлари керак. Телемусобақанинг республика босқичида фақат вилоят чемпионлари иштирок этишлари ва бунинг учун жамоанинг шу пайттача ўтказилган учрашувлари натижалари ҳам тақдим этилиши лозим. Афсуски, ҳозирда бундай эмас экан. Ҳалқ таълими вазири Жўра Йўлдошев Наманган, Андижон вилоятларида ўқитувчилар билан учрашув чоғида улардан "Қувноқ стартлар"даги иштироки ҳақида сўраганларида қутилмаган жавоб олдилар. Яъни ўқитувчилар "Қанийди биз ҳам ўқувчиларимиз билан шундай нуфузли учрашувларда қатнашсак, имкониятимизу истакларимиз бўлгани ҳолда мусобақани фақат телевизорда кўрамиз, холос" дея фикр билдирдилар. Мана, сизга мусобақанинг ҳозирги аҳволи.

— Бош мутасадди раҳбар сифатида фаолият бошлаётган экансиз, юқоридаги ҳолат юзасидан кўрилган чоралар, янги режаларингиз, мақсадларингиз билан ўртоқлашсак?

— Яқинда «Ўзбекистон Республикаси ва халқаро «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақасини умумий ўрта таълим мактабларида ўтказишни янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзтелерадиокомпанияси, «Камолот» республика ёшлари жамғармасининг қўшма қарори қабул қилинди. Мақсад, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, анъанавий миллий спорт ўйинларини тиклаш ва тарғиб этиш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, яккакураш каби шарқона спорт ўйинларини оммалаштириш, жаҳон халқлари болалари билан дўстлик алоқаларини боғлаш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашдан иборат.

Имкониятларимизни ҳисобга олиб, шу йил 18 ноябрда "Қувноқ стартлар" мусобақаларига расман старт беришни режалаштирдик. Шу йилдан бошлаб бу беллашувларнинг очилиш ҳамда ёпилиш маросимларини мунтазам ўтказиб бормоқчимиз. Лекин ҳали бу мусобақаларни бошлаш, ўтказиш юзасидан ҳеч бир сўз айтилмасдан айрим вилоят ҳалқ таълими бошқармалари республика босқичида иштирок этувчи ўз даъвогар жамоалари рўйхатини бизга юбормоқда. Эмишки, бу жамоалар туман ва шаҳар босқичларидан ўтиб вилоят чемпионлари бўлишган. Эски анъана... Буларга жавобимиз битта — бундай "ўйинлар"га энди йўл қўйилмайди!

"Қувноқ стартлар" мусобақалари республика "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти томонидан ўтказиб келинди. Бу вазифа ҳам эндиликда бевосита ҳалқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт бўлими зиммасида бўлади. Айни пайтда ҳакамларнинг ўтган даврдаги фаолиятлари таҳлил этилиб, "Қувноқ стартлар" низомига зид иш юритганлари мусобақалардан четлатилдилар.

Ҳозир мутахассислар билан амалий ҳамкорликда ишлаяпмиз. Телережиссёримиз Раҳматилла Содиқов кўрсатувни янгича усул, янгича ғоя билан экранга олиб чиқиш устида ишлаяпти. Ўйинларимиз қувноқлик, жозиба бахш этиш учун гуруҳларда фан ўқитувчиларининг ҳам маълум шартлар бўйича иштирокини таъминлаш ҳақида таклифлар бор. Бундан ташқари, ўйинлар турини замонавий спорт ҳаракатлари билан бойитиш, уларга миллий руҳни сингдириш борасида ўйлаяпмиз. Қолаверса, рағбатлантириш масаласи ҳам эътиборимизда бўлади. Низомга кўра, Республика ва халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб, ҳар бир жамоа, қатнашчилар ташкилот раҳбарлари, ташкилий қўмита томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари, кубоклар, дипломлар, I-II-III-даражали медаллар билан тақдирланадилар. Ҳомийлар имкониятига қараб, бошқа мукофотлар ҳам ташкил этилади.

— Демак, келаси ойдан "Қувноқ стартлар"нинг дастлабки босқичига старт берилади. Мусобақаларда қатнашиш учун умумтаълим муассасаларида шароитлар, спорт анжомлари етарлими?..

— Бу кўп жиҳатдан муассаса раҳбарларининг спортга, саломатликка бўлган муносабатларига боғлиқ. Агар раҳбар қизиқмаса ёки хоҳламаса на шароит бўлади ва на имконият. Биз мактабларда «Қувноқ стартлар» учун шароит яратишга услубий ёки оғзаки ёрдам бериш билан чекланиш ниятида эмасмиз. Биз амалий ишга киришдик. Жойларда ушбу тадбирга дахлдор масалаларни ечишда вилоят, туман ҳалқ таълими раҳбарлари фаол қатнашади, деган ишонч билан яшаяпмиз.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Фахриддин КАРИМОВ суҳбатлашди.

Xullas...

«КАСАЛЛИК»НИ «ДАВОЛАШ»

Лотореяни пулига чиқаганлар ўйнайди. Ахир ютуқ ҳаммага ҳам чиқавермайди-да. Лекин лотерея ишқибозлари керагидан зиёд топилади.

Швеция ҳалқ соғлиғини сақлаш институти шифокорлари ташвишга тушишган. Маълумотларга қараганда, бу мамлакатда 150 минг киши лотерея ўйнаш «касаллиги»га чалинган. Кимга машина, кимга пул, кимга кир ювиш машинаси. Ютуқ чиққанларнинг-ку оғзи қулоғида. Қуруқ қолганлар-чи?!

Бу ёғини асло сўраманг. Юрак хуружи, қон босими, асаб бузилиши, қисқаси турли хил касалликлар...

Институт шифокорлари ашаддий ишқибозликни бартараф қилиш учун амалий маслаҳатлар берадиган телефон тармоғини ишга туширишди. Бундан ташқари, кўп тиражда саволли карточкалар нашр қилинди. Мижозларнинг жавоби битилган карточкалардан унинг лотерея «касаллиги»га мубтало бўлган-бўлмаганини аниқлаш мумкин.

Дарвоқе, бу карточкалар лотерея олинадиган дўконларда ўз харидорига узатилмоқда.

ТУТУН ИЧИДАГИ МУСОБАҚА

Бутун дунё афкор оммаси англаб етган ҳақиқатлардан бири — чекишнинг инсон саломатлигига салбий таъсиридир. Ана шу салбий таъсирни била туриб, тутун ичида «ким ўзарга» мусобақа уюштирувчилар ҳам учрайди.

Вацловас ва Лина Лукенасилар Паневежис шаҳрида уюштирилган ноанъанавий мусобақанинг ғолиблари дея тан олинишди. Тамаки солинган трубкани ким узоқ вақт чека олади?

Вацловас 1 соату 47 дақиқанинг 20 секундида тамакини чекиб тугатди. Унинг рафиқаси Лина эса 1 соату 7 минут 20 секунд натижага эришди.

Чекувчилар мусобақасида бутун Литвадан 42 нафар уста-чекармонлар иштирок этишди. Узиям кашандалар тутун ичида бир-бирларини зўрға кўришди...

ТЕКИН ТУШЛИК

Нўхатли шўрва, макарон қовурма, чой, нон... Кўпчиликка бундай таомнома маъқул келмаслиги мумкин. Аммо текин бўлса-чи?

Жуда ёқади-да. Айниқса,пенсия пули қўлга тегишини илҳақ кутадиган қариялар бундай сийлов қаршисида айланиб-ўргилишади.

Петрозаводск шаҳар ижтимоий ҳимоя қўмитаси ўтган йилнинг октябридан эътиборан,қариялар,ногиронлар,боқувчисиз қолганлар учун текин тушлик ташкил қилишган эди. Шундай қилиб,«Тройка» ресторани ҳар куни гавжум. Бу ерда кунига 100 киши қорин қайғусидан қутулгани учун ҳомийларга «офарин» айтиб чиқади.

Бундай савобга нима етсин?

ҚИММАТБАҲО КУБОК

Қачонлардир,аниқроғи 1952 йилда «Ленинска молодь» газетаси соврини учун ўтказилган спорт мусобақасида биринчи ўринни олган тоғчилиқ техникуми бисотидаги кубок ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Шундан сўнг бу матоҳ Львовск тарих музейига келтирилди. Музей ходимлари бажонидил қабул қилиб олган соврин «Металл» деб номланган қоронғи хонага ташланди.

Кубок музей хонасида мутахассис нигоҳи тушмагунча ётаверди. Ниҳоят, соврин мутахассис томонидан тадқиқ этиб кўрилганида, таркибида нақ бир кило кумуш борлиги аниқланди. Чанг-ғуборлардан тозаланган кубок шунақа ярақлаб кетдики,музей узра ёрқин шуъла таралди.

Қимматбаҳо соврин машҳур львовлик заргар Циплернинг қўлида сайқал топган экан...

ana shunaqa gaplar...

Sport

БУГУН ФИНАЛ

Пойтахтдаги «Юнусобод» спорт мажмуида Бокс бўйича XX Осиё чемпионати якунловчи босқичга етди. Ҳамюртларимиз Р.Чагаев, А.Раҳимов ва Д.Йўлдошев 1-гуруҳда ўз вазнлари бўйича финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

КУБОК МУЗЕЙГА ТОПШИРИЛДИ

Тошкентда ўтаётган Бокс бўйича XX Осиё чемпионати очилишида Халқаро бокс уюшмаси президенти Анвар Чаудри Президент И.Каримов боксни ривожлантиришдаги хизматлари учун уюшма кубоги билан тақдирланганини билдирганди. Юртбошимиз мукофотни Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейига топширди.

ИРОДАЛИ ИРОДА

Теннис гуркираб ривожланаётган Ўзбекистоннинг фахрига айланаётган теннисчи қиз — Ирода Тўлаганова халқаро майдонда ҳам танилиб бормоқда. У Сеулда ўтказилган халқаро мусобақада ғолиб чиқди.

КИЧИК ҒОЛИБЛАР

Каратэ бўйича мамлакат терма жамоаси аъзолари 10 ёшли Бекзод, 11 ёшли Улуғбек Ўзбекистон чемпионлари бўлишди. Улар 1997 йили Лондондаги жаҳон чемпионатида учинчи, 1998 йилда Одессада «Шербола» халқаро мусобақа ғолиби бўлишган эди.

ОЛТИН МЕДАЛЛАР ТОПШИРИЛДИ

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Волейбол федерацияси кубоги учун сўнгги босқич ўйинлари бўлиб ўтди. Унда «Самарқанд — телеком» волейболчилари кубок соҳиби бўлишди. Натижага кўра, жамоанинг ҳар бир ўйинчиси олтин медаль билан тақдирландилар.

maydonchasi

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳингизни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

QUTLOV

Хурматли Моҳидил ШЕРМОНОВА!

Сизни 30 октябрь — туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ бўлинг! Фарзандларингиз камолини кўриш Сизга насиб этсин. Ёш авлодга таълим беришдек машаққатли ва шарафли ишингизга зафарлар тилаймиз.

Оила аъзоларингиз

Obuna—2000

«МУЛОҚОТ» — ЯҚИН КЎМАКЧИ

Мустақиллигимиз эълон қилинган 1991 йилда нашр қилина бошланган «Мулоқот» журнали бугунги кунда республикамиз матбуот нашрлари орасида ўзига хос муносиб мавқега, ўз овозига ва йўлига эга. Журнал дастлабки сонларидан бошлабоқ ижтимоий-сиёсий, тарихий, адабий мавзулар билан бир қаторда таълим-тарбия масалаларига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Шу боис, унинг асосий ўқувчилари ҳам халқимиз зиёлилари, ҳурматли ўқитувчиларимиздир.

Маълумки, кейинги йилларда келажакни ўйлаб республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар таёрлаш миллий дастури» эълон қилинди. Бугунги кунда ҳамма гап, уларни ҳаётга татбиқ этишда қолган. Миллий дастурни амалга ошириш учун республикамиз бўйича 1998 йилда 103,1 миллиард сўм сарфланган бўлса, 1999 йилда эса давлат бюджетидан 143 миллиард сўм ажратилган. Ўзбекистон таълим соҳасидаги харажатлар бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражасига яқинлашиб бормоқда.

«Мулоқот» журналида чоп этилаётган хар бир мақола тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, инсонлар онгига мустақиллик руҳини сингдиришга, улар қалбини мусаффо қилишга бағишланган. Бевосита таълим-тарбияни ислоҳ қилишга бағишланган қатор мақолалар ёритилди. Бу борадаги чиқишларда профессор Тўланбой Ортиқовнинг «Руҳ тарбияси», Самарқанд чет тиллар институти ректори Юсуф Абдуллаевнинг «Таълим ва жамият», филология фанлари доктори Назар Ражабовнинг «Бола бошидан...» мақолаларини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя.

Айтиш мумкинки, журнал ижтимоий фанлардан дарс бераётган ўқитувчиларимизга яқин кўмакдош. Айниқса, журналдаги тарихий, адабий мавзулардаги мақолалар юзасидан таҳририятимизга келаётган хатлар бундан гувоҳлик беради. Улар ўз мактубларида бундай мавзуларнинг мактаб дарсликларига нисбатан кенгроқ ёритилганидан, ўзларининг билимларини чуқурлаштиришларида яқин кўмакчи бўлаётганидан миннатдор бўлиб ёзишган.

Айниқса, ўтган йили журналда ёритилган Рашид Рауповнинг «Пул ва ахлоқ», Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаевнинг Амирий ҳақидаги «Ишқ аҳлининг амири», Нусратилло Жумаҳўжанинг «Увайсий», Абдулҳаким Жузжонийнинг Машраб ижоди ҳақидаги «Вахдат уммонининг ғаввоси», Саид Алимовнинг «Алпомиш» достони ҳақидаги «Элимиз ориятини куйлаган достон» мақолалари юзасидан келган хатлар ва билдирилган мулоҳазалар юқоридаги фикримизга мисол бўла олади.

Журнал таҳририяти янги йилда ҳам таълим-тарбияга оид кўпгина мақолаларни ёритишни кўзлаган. Шуни назарда тутиб, 2000 йил учун «Мулоқот» журналига обуна бўлсангиз, бутун йил давомида ўзингизга маънавий йўлдош, руҳингизни ёритувчи яқин кўмакчи топган бўласиз.

Журнал йил давомида 6 марта чиқади.

Журналнинг нашр кўрсаткичи /индекси/: Якка обуначилар учун — 844. Ташкилотлар учун — 845.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Шерали НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0821. Тиражи 23762. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.